ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

13 январ чоршанба 1999 йил №6(653)

Ушбу сонда:

2 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАДА

3 МУҚАДДАС ЮРТ, ИСТИҚЛОЛ ПОСБОНИ

4 МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИДАГИ БАРАКАТЛИ ҚАДР КЕЧАСИ

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

Барчангизни - Навоий кон-металлургия комбинати ишчилари, муҳандис-техник ходимлари ва хизматчиларини 1998 йилда олтин ва кумуш ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича давлат буюртмасини ошириб бажарганингиз билан табриклайман.

Меҳнат жамоангизнинг Ўзбекистон иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси беқиёсдир. Айнан сизларнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли «ўзбек олтини» ибораси жаҳон қимматбаҳо металлар бозорида олий сифатли ва ишончли маҳсулот рамзига айланди.

1998 йилда Қизилқум минтақасидаги минерал бойликларни муваффақиятли ўзлаштириш давом эттирилди, бу эса олтин ва кумуш ишлаб чиқариш ҳамда сотишни кўпайтириш имконини берди. Янги конлар қурилиб, ишга туширилди, фосфорит комплексининг биринчи навбати барпо этилиши билан мамлакат маҳаллий хомашёдан иқтисодиётимиз учун ўта зарур бўлган маҳсулот - дастлабки минглаб тонна минерал ўғитни ола бошлади.

Комбинат эришган натижалар бутун жамоанинг жаҳонда тенги йўқ янги технологияларни ишлаб чиқиш ва модернизация қилишга қаратилган ижодий ва бунёдкорлик фаолиятининг ёрқин мисолидир.

Мен шу ўринда комбинат жамоасини ижтимоий соҳада, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, фаровонликни ошириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига дам олиш ва даволаниш учун қулай шарт-шароит яратиб бериш борасидаги амалий ютуқлари билан ҳам табриклашни истардим.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги кунда комбинатингиз ўзининг улкан салоҳияти билан мамлакатимиз индустриясининг байроқдорига айланди. Айни чоғда сизларни кўпмиллатли жамоанинг ҳаёти ва ўзаро муносабатларининг ёрқин намунаси дейиш мумкин.

Азиз дўстлар, сизларнинг 1999 йил дастурини амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини янада ўстириш бўйича Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси олдига қўйилган вазифаларни ҳам шараф билан бажаришингизга ишончим комил.

Барчангизга, оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва Янги йилда эзгу истакларингиз рўёбга чиқишини тилайман.

Янги 1999 йил ҳам жамоангиз учун омад ва муваффақиятлар йили бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Европа «Олтин медали» Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига берилди

Янги йил арафасида Париждан ажойиб хушхабар олинди. 1801 йилда ташкил этилган Франция саноати, илм-фани ва маданияти ривожига кўмаклашиш Халқаро Ассоциациясининг «Олтин медали» билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тақдирланди.

Бу қувончли воқеа мустақил мамлакатимизда бевосита Президент Ислом Каримов ташаббуси ва ҳомийлиги билан амалга оширилаётган маданий ислоҳотларнинг дунё ҳамжамияти томонидан тан олинишидир. Шуни ҳам эътироф этиш керакки, бундай эътиборга МДҲ давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон эришди.

/ЎзА/

ҚЎНҒИРОТ СОДА ЗАВОДИ

Бу қурилишига бунчалик катта эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Устюртда жойлашган Борса-Келмас кўлидаги бу завод учун зарур бўлган хом-ашё мутахассисларнинг фикрича бир неча авлодга етарлидир.

Ҳозирча сода ишлаб чиқариш учун хом-ашё четдан сотиб олинмоқда. Қўнғирот сода заводи ишга туширилган дастлабки йилдаёқ мамлакатимиз халқ хўжалигининг каустик содасига бўлган эҳтиёжи қондирилади. Корхона тўла қувват билан ишга туширилгач эса, хом-ашё чет элга валютага сотила бошланади. Бундан уч йил аввал Қўнғирот - Бейнов автомагистрали 40-километрида жойлашган бу жой қуп-қуруқ чўл эди. Ёзнинг жазирамасида кучли шамол қум ва тузнинг чангларини барханлар узра учириб юрса, қаҳратон қишда эса қор уюмлари ҳукмрон эди.

Устюрт пасттекислиги йўли бугунги кунда энг серқатнов йўлдир. Асрлар бўйи инсон тафтини сезмаган замин бугун жонланди, бир сўз билан айтганда одамлар чўлни енгишди.

Саноат комплексини Нукус, Тахиатош, Хўжайли, хуллас, бутун бир Ўзбекистон қурмоқда. Енг шимариб келаётган мутахассисларнинг кети узилмайди. Қурувчилар учун бу ерда ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган: кийим-бош, иссиқ овқат, маданий-маиший хизмат юқори даражада.

Қорақалпоғистоннинг энг шимолида январ ойида қаҳратон қиш. Бироқ инсон ўз қўли билан бунёд этган шаҳарчадаги уйлар сизни ўз иссиқ бағрига олади. Ётоқхонадан ташқари яна учта турар жой энг замонавий шарт-шароитларга эга ҳолда яшовчиларга топширилди. Бу жаннатмакон жой корхонада меҳнат қилувчи 16 минг кишига мўлжалланган.

Мустақиллик куни арафасида 320 ўринли мактаб ишга туширилди. Ўқув даргоҳи, уй-жойлар, маиший хизмат шоҳобчаларини, дўконлар, нонвойхоналарни «Қорақалпоқсаноатқурилиш» акционерлик жамияти мутахассислари қуриб бердилар. Шу билан биргаликда бу ерда ободонлаштириш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Бўлажак саноат корхонасининг ишлаб чиқариш цехлари кун сайин қад кўтармоқда. Яна икки йилдан кейин XXI аср бўсағасида обод ёш шаҳарнинг ҳамма боғлари гуллаб яшнайди.

Суратларда: «Қўнғиротқурилиш» прораби Жайилхан Кенжабаев ва уста Ерғали Ибрагимов, газ электр пайвандчиси Вячеслав Махорин.

А.МУРАТОВ олган суратлар.

Спорт

Балли Андрей!

Ҳар йили январ ойининг бошларида Япония пойтахти Токио шаҳрида дзюдо бўйича анъанавий халқаро мусобақа ўтказилади. Унда жаҳоннинг энг кучли дзюдочилари иштирок этади. Бу йил мусобақада Германия, Франция, Голландия, Англия, Италия, АҚШ, Польша ва Япония спортчилари қатнашди. МДҲ мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистондан тўрт спортчи иштирок этди.

Ўзбекистонлик барча спортчилар қаттиқ рақобат шароитида беллашиб, энг кучли ўнлик қаторидан жой олдилар.

Андрей Штурбабин барча учрашувларда рақибларини енгиб, турнир ғолиби бўлди ва олтин медални қўлга киритди. Армен Багдасаров бешинчи, Камол Муродов еттинчи, Алишер Мухторов эса саккизинчи ўринни эгаллашди.

Шахматчимиз муваффақияти

Англиянинг Гастингс шаҳри шахмат мухлислари орасида бу ерда ўтказиладиган анъанавий янги йил мусобақаси билан машҳур.

Бу йил ана шу анъанавий мусобақада 15 мамлакатдан 84 спортчи иштирок этди. Ўзбекистондан икки шахматчи - халқаро гроссмейстер Саидали Йўлдошев ва халқаро спорт устаси Дмитрий Қаюмов қатнашди.

Саидали Йўлдошев ўн имкониятдан 7,5 хол билан маррага етиб келди ва таниқли халқаро гроссмейстерлар - германиялик Клаус Бишоф ва хорватиялик Богдан Лалич билан биргаликда 1-3-ўринларни эгаллади. Дмитрий Қаюмов эса ўн имкониятдан 7 хол тўплаб, ўз ҳарифлари билан 4-8-ўринларни бўлишиб олди.

Аҳоли саломатлиги йўлида

Дардни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал. Ангор тумани марказий шифохонаси ходимлари ана шу қоидага амал қилмоқда. Бу ерда марказлашган эмлаш бўлими самарали фаолият кўрсатмоқда. Бўлим зарур замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар, вакцина ва дори-дармонлар билан етарли таъминланган. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган жадвалга биноан аҳоли турли касалликларга қарши эмланмоқда.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

Иқтисодий ислоҳот меваси

Яқинда Наманган вилоятида ишга туширилган «Поп-Фен» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси қиймати деярли 700 минг АҚШ долларига тенг бўлган юқори сифатли калава ипнинг дастлабки туркумини Белгия ва Швейцарияга жўнатди.

Поп калаваси Европага экспорт қилинади

Уч йил муқаддам «Поп нотўқима материаллар фабрикаси» акциядорлик жамиятининг бўш турган ишлаб чиқариш майдонларида пахта толасидан бутун дунёда талаб катта бўлган калава ип ишлаб чиқарадиган қудратли замонавий корхона қуришга қарор қилинган эди. Бундай корхонанинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги маҳсулот ишлаб чиқариш учун хомашё билан етарли таъминлаш имконияти мавжудлиги билан ҳам белгиланар эди. Ўзбекистон томонидан «Поп нотўқима материаллар фабрикаси» акциядорлик жамияти қўшма корхонанинг муассиси, «Ўзенгилсаноатинвест» акциядорлик жамияти эса унга шерик бўлди. Туркия томонидан муассисликни бутун дунёга танилган «Текфен холдинг» тўқимачилик компанияси ўз зиммасига олди.

Ҳозирги вақтда «Поп-Фен» вилоятда пахта толасидан калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона корхона эмас. Аммо, мутахассисларнинг фикрича, бу ерда тайёрланаётган калаванинг сифати жуда яхши бўлиб, халқаро андозаларга тўла мос келади. «Поп-Фен» белгиси қўйилган калава иплар Европадаги бир қанча ривожланган давлатларда эътироф этилгани бежиз эмас. Эндиликда бу мамлакатларга корхона маҳсулоти етказиб берилади. Шартномага мувофиқ, маҳсулотнинг 80 фоизгача қисми экспорт қилишга мўлжалланган.

Хуллас, ҳозир корхона жамоаси олдида эришилган даражадан чекинмай, янги марраларни эгаллаш вазифаси турибди.

Корхона бош директори ўринбосари О.Муҳиддиновнинг фикрича, меҳнатнинг пухта ташкил этилгани, ходимларнинг яхши касб-ҳунар тайёргарлиги, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш «Поп-Фен» қўшма корхонаси муваффақиятининг омилларидир. Корхонага Германияда ишлаб чиқарилган энг замонавий ускуналар ўрнатилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 50 миллион Германия маркасига тенг. Бу маблағнинг ярмидан кўпроғи Германия банкларидан биридан кредитга олинган. Қўшма корхона мутахассислари банкка пул муддатида қайтариб берилишига шубҳа қилмайдилар. «Поп-Фен» барпо этилган дастлабки кунданоқ яхши ишлаётгани бунинг асосий гаровидир.

Иш икки сменада ташкил этилган корхонада ҳозир 200 дан кўпроқ киши меҳнат қилмоқда. Ўтган йили 650 тоннага яқин калава ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил корхона лойиҳадаги қувватга эришгач, 4380 тонна калава ип ишлаб чиқарилади. Қўшма корхона уч сменали ишга ўтгач, ходимлар сони 300 кишига етади.

Дарвоқе, «Поп-Фен»да ишлаш бутун Поп туманида катта обрў ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан бири меҳнат шароитининг жуда яхшилигидир. Чунончи, илгари энг сершовқин ҳисобланган йигирув цехида одатдан ташқари сукунат ҳукмрон. Чунки бу ерга ўрнатилган ускуналар шовқинсиз ишлайди. Ҳавода ҳам, ерда ҳам чанг кўринмайди - ҳавони тозалаш тизими тўхтовсиз ишлаб туради. Цех поллари бир кунда бир неча марта махсус кукун билан ювилади. Ниҳоят, энг муҳими - иш ҳақи. Қўшма корхонада меҳнат қилаётган кишилар катта ҳақ олишмоқда.

Н.ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

ВАЪДА БИЛАН БОҒЧА, МАКТАБ ИСИМАЙДИ

Катталарнинг масъулиятсизлиги жабрини болалар тортишяпти

Нишон туманидаги «Гулистон» жамоа ширкат хўжалигининг катта йўли «Ғунча» болалар боғчасига олиб боради. Фақат йўлга чиқишдан олдин иссиқ кийинишни унутманг. Сабаби, боғча хоналари шундай совуқки, тезда касал орттириш мумкин. Кузатишимизча икки хонагагина ўтин йўқ. Ғўзапоянинг эса нафи кам бўлаяпти. Канча вақтдирки бу ерга кўмир келтирилмайди. Аҳвол шундай бўлгач ота-оналар фарзандларини иложи борича боғчага юбормасликка ҳаракат қилишаяпти. Тарбиячиларнинг эътироф этишларича 112 ўринли жажжилар масканига кунига бор йўғи 40-45 атрофида бола қатнаяпти.

Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Абдурасул Хуррамовни эса парвойи палак.

- Боғча, мактабларга хўжалик ҳисобидан печкалар олиб берилди. Келажагимиз эгалари машғулот ўтказадиган хоналар ҳолати ёмон эмас,- дейди у.

Кўриниб турибдики, раис юқорида қайд этилган масканлардаги аҳволдан бехабар ёки билса ҳам ўзини билмасликка олаяпти. Боғча мудираси Фотима Шодиева асабийлашган.

- Қишли қировли кунларда болажонларга қийин бўлди,- фикрини ифодалайди у.- Эрталабдан кечгача пальтоларини ечишмайди. Шамоллаб қолишмасайди деб жонимиз ҳалакда. Печкаларни янгиланг, кўмир ташвишини қилинг, деб мутасадди раҳбарларга неча бор ялиндик. Бироқ улар ваъда беришдан нарига ўтишмади. Ваъда билан эса уй исимайди.

-Туман бўйича семинар бизнинг боғчада ўтказилиши керак эди,- суҳбатга аралашди тарбиячилардан бири. -Шундай аҳволда ҳамкасбларни кутиб олишга юзимиз чидамади. Амал-тақал қилиб пул тўплаб, бинони таъмирладик. Боғча, мактабларга муносабат қачон ўзгараркин? Боз устига хўжаликнинг боғчадан қарзлари кўпайиб кетди.

Нега шундай бўлди? Маълумотларнинг гувоҳлик беришича, хўжалик «уйқуга кирган»га тўрт йил бўлди. Кетма-кет уч йил пахта тайёрлаш режаси 84, 71 ва 56 фоизда қолиб кетди. Ўтган йили санацияга тушган хўжаликка сўнгги имконият берилди. Ташқаридан бошқарувчи тайинланганлиги қолоқлик сабабларини қидириш ва ундан чиқиш йўлларини тўғри белгилаб олишга туртки бўлди. Пахта тайёрлаш режаси ҳам бажарилди. Лекин бу хўжалик қаддини тиклаб олди, деган гап эмас. Демак, хўжалик фаолиятининг барча жабҳаларида ўзгариш ясаш асосан раҳбарга, унинг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги, тадбиркорлигига боғлиқ экан. «Гулистон»га кўп раҳбарлар келиб кетди. Деҳқонларнинг айтишича, улардан фақат Ҳусан Тўрақулов ўзидан яхши, ном қолдирган. Унинг раҳбарлик пайтида режалар бажарилмаган йил бўлмаган. Қишлоқлар обод, мактаб, болалар боғчалари ҳар томонлама тўкис бўлган.

Энди-чи? «Ғунча» болалар боғчаси хўжалик ишлари мудири Абдуназар Жабборовнинг фикрини эшитинг:

- Болаларга берилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати жуда паст. Бунинг устига нон бўлса сут бўлмайди, сут бўлганда шакар таъминотида узилишга йўл қўйилади. Гўшт келган куни боғчада байрам. Бошқа нарсаларни қўя турайлигу фақат нон олиб келиш учун 45-50 километр масофадаги туман марказига бўзчининг мокисидек қатнашга тўғри келмоқда. Бунга кетадиган вақт, ёнилғи ҳаражатларини айтмай қўя қолай.

Туманда «Ғунча»дек ҳолига маймунлар йиғлайдиган болалар боғчаси яккаю ягона эмас. «Дўстлик» жамоа ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган 2 та болалар боғчаси, битта ўрта мактаб ва 17- касб-ҳунар маскани тарбияланувчилари, ўқувчилари ҳам совуқ хоналарда дийдирашмоқда. Пальтода дарс ўтаётган ёки машғулот ўтказаётган ўқитувчи, мураббийларга ҳам осон тутиб бўлмайди. Ўрта мактаб директори Раҳмат Жўраевнинг гапига қараганда, ўқув даргоҳида болалар совқотишдан «муҳофаза қилинган»лар. Синф хоналар торлик, парталар камлик қилгани сабабли улар қисилишиб ўтирадилар. Дарслар икки, ҳатто уч сменада ташкил этилган. Баъзан йўлакда дарс ўтишга мажбур бўлинмоқда. Ўтган йили ҳам иситиш тармоқлари ишламаганлиги боис машғулотлар вақтинча тўхтатилган эди. Бу йилги шароит аввалгисидан ҳам ташвишли. Биз ҳам қўлни қовуштириб турганимиз йўқ - жамоа ширкат хўжалиги раиси Равшан Тоштемировга, туман ҳокими муовини Иззат Ҳикматовга аҳволни яхшилашга ёрдам сўраб, мурожаат этдик. Лекин, фойдаси бўлмади. Оқибатда дарслар қисқартирилиб ўтилмоқда.

Ўқитувчиларнинг куюниб айтишича, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун яна 620 ўринли мактаб биноси қурилиши даркор. Хўжалик касабақўми раиси Мусурмон Ёқубов эса «марказий қозонхона ишламаётганлиги сабабли шундай аҳвол юз берганлиги» ни рўкач қилишдан нарига ўтолмади. Ҳудди шу хўжалик ҳудудида жойлашган «Нилуфар» ва «Гулистон» болалар боғчалари оддий шароитлар яратиб берилмагани сабабли деярли ишламаяпти.

- Кўриб турганингиздек, боғчамиз совуқлигидан ташқари, томидан чакка ҳам ўтади,- дейди «Нилуфар» болалар боғчаси мудираси Ҳимоят Норбоева,- хўжалик раҳбарларининг «Ўн беш йиллик теракларимиз бор, уларни кесиб боғча томини янгилаб берамиз» дейишганига ҳам бир неча қовун пишиғи бўлди. Бироқ на тўсиндан, на шифердан дарак бор.

Боғча ҳудудини ўраб турган деворлар нураб, харобага айланиб бораётганлигини кўриб, юрагингиз увишади. Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керак: боғча ҳудудида болалар тарбияси, ахлоқ-одобига доир бирон та деворий газета кўрмайсиз. Лекин катта ҳарфлар билан «...Халқаро болалар йили» деган ёзув неча йилдан бери хўжакўрсинга осиғлиқ турганига нима дейсиз? Шу далилнинг ўзиёқ - хўжалик ва туман мутасадди раҳбарларининг болалар боғчалари, уларда тарбияланаётган ўғил ва қизларимизга қанчалик «меҳрибон»ликларини кўрсатиб турибди.

Тумандаги «Ойдин», «Самарқанд», Абдулла Қодирий номли, «Навбаҳор» жамоа хўжаликлари ҳудудларида жойлашган болалар боғчалари ҳам иссиқлик қозонхоналари ишламаётганидан ночор аҳволни бошларидан кечирмоқда.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, бу соҳага алоқадор хўжалик, ташкилотлар раҳбарлари «Қиш тайёргарлигини ёзда кўр» деган нақлни унутиб қўйишган. Касабақўм раислари эса етилган масалалар ечимига йўл топиш, бунинг учун керак бўлса - барча мутасадди ташкилотлар раҳбарларини оёққа турғазиш ўрнига ўзлари томошабин бўлиб туришибди.

Келажаги буюк давлат эгаларини ҳеч нарсадан зориқтирмай ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш олий бурчимиздир. Фақат Нишон туманида буни тушунишмаётгани ғоятда ачинарлидир.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Абдунаби МАННОПОВ,
«Ишонч» мухбирлари.

Санация — сўнгги имконият

БИРИДА ДУРУСТ, БОШҚАСИДА СУСТ

Бўка туманидаги икки хўжаликнинг бир йиллик фаолиятига назар

Комил Дўстматов 1998 йилнинг 6 январида «Кўкорол» жамоа хўжалигига ташқи бошқарувчи этиб тайинланди. Ўшанда хўжаликнинг давлатдан 17 миллион сўм қарзи бор эди. Жамоани колоқликдан олиб чиқиш, уни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш вазифасини шу кишига ишониб топширишди. Вазифа ғоят масъулиятли эди. Унгача «Кўкорол»да бир неча раҳбар тез-тез алмашган, хўжалик қаддини тиклаш ўрнига йилдан-йил қарзга ботаверган эди. У келган куниёқ далаларни обдон айланди. Шароитни ўрганди. Ён дафтарчасига фикр-мулоҳазаларини қайд этиб борди. Сўнг ярим кечагача идорада ўтириб, мутахассислар билан бирма-бир суҳбатлашди. Англадики, аксарияти бугунги кун талабига жавоб бермайди. Номига, кун ўтказиш учун юрган одамлар. Бундай ҳол давом этаверса, улар билан аҳволни ўнглаб бўладими? Бошқарувчи ишни ана шундан бошлади. Локайд, масъулиятни ҳис этмайдиганлар ўрнига тажрибаси етарли, серғайрат мутахассислар келди.

Ерларнинг кўп қисми ҳайдалмай қолиб кетган экан. Шудгорланди. Ариқзовурлар тозаланди. Ҳар жойда сочилиб ётган техникалар бир ерга келтирилди, таъмирланди. 900 гектар майдондаги ғалланинг ривожи мақтагулик эмас эди, ўғит берилди, суғорилди.

- Бошқарувни ҳам ихчамлаштирдик,-дейди Комил ака. - Ходимлар штати 35 фоизга қисқартирилди. Ҳисоб-китоб, харажатларни тартибга солдик. Хўжалигимиздаги энергия линиялари, электр тармоқлари идораси тасарруфига ўтказилди. Иккита боғчани туман халқ таълими бўлими ўз қарамоғига олди. Ортиқча пул совуриш, кераксиз чиқимларга чек қўйилди. Экин майдонлари пудратчиларга тақсимланди.

Бизнес режада белгиланганига мувофиқ минг гектар ерга баҳорда чигит экилди. Санация берган имкониятни тўғри англаган деҳқонлар астойдил ишлашди. Иш ҳақи, ёнилғи, ўғитни вақтида олиб туришди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. Давлатга белгиланганидан зиёда - 1801 тонна пахта сотилди. Соли Мадаминов, Мухтор Широмов, Берикбой Эркабоев бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 30 центнергача етди.

- Кутилаётган соф фойда 1 миллион 294 минг сўм бўлаяпти,- сўзида давом этади К.Дўсматов. - Зиммамиздаги биринчи вазифани уддаладик. Энди ҳосилдорликни кўтариб, даромадни ошириш чораларини излаяпмиз. Хўжалик меҳнат аҳлини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътиборни кучайтириб даромаднинг бир қисмини шу мақсадларга сарфлаяпмиз. Аёллар йилида бир қатор тадбирлар ўтказишни режалаштирдик. Ёрдамга муҳтож оилаларга моддий жиҳатдан мунтазам ёрдам бериб борамиз.

Хўш, бунга қандай эришилди? Аввало, ерларнинг оилавий пудратга берилиши деҳқоннинг қизиқишини оширди. Вазифасини бекаму кўст, кечиктирмай адо этишга интилди. Чунки топса ўзиники, йўқотса ёнидан кетишини тушунди. Иккинчидан, борини тежаб сарфлашга ўрганишди. Мўлжалдагидан оз ёнилғи сарфланди, олинган эҳтиёт қисмларни авайлаб ишлатишди. Натижада ғалла ҳосилдорлиги 1997 йилга нисбатан ўтган йили 5-6 центнерга ошди. Давлатга 1056 тонна сара дон сотилди.

Бу йилги ғалланинг ҳам ривожи кўнгилдагидек. 600 гектардаги буғдой 120 оилавий пудратчига бўлиб берилган. Шартномалар тузилди. Келишилганига биноан режа гектаридан 30 центнердан белгиланган. Шартномадан ортиғи деҳқоннинг ўзида қолади. Истаса эркин нархда сотади, хоҳласа бозорга олиб чиқади.

Мавсумий юмушлар ҳам қизғин давом этяпти. Ҳозиргача 1200 гектар ер ҳайдалди. 10 та сеялкадан 6 таси, 16 та культиватордан 10 таси тахт. Бароналарнинг ҳаммаси тайёр. Кўкламда чигит экишга ажратилган минг гектар ерга агротехника қоидалари асосида ишлов берилди, тўйинтирилди.

- Баъзи муаммолар бизни бироз қийнаяпти, - дейди бошқарувчи. - Авансни вақтида беришди, аммо топширилган хом ашёнинг пулини олганимиз йўқ. Ҳисобимизда пул бўлса ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар олардик. Биласиз, ҳозир қарзга ҳеч ким, ҳеч нарса бермайди. Кейин кичик майдонларга ишлов берадиган техникага эҳтиёж сезиляпти.

Негаки, катталари бундай жойларда яхши ҳаракат қила олмайди. Дала четлари ҳайдалмай қолиб кетяпти, сифатга таъсир этяпти. Ваҳоланки, бажарилган иш учун МТПларга катта пул тўлаймиз. Бежиримроқ техникадан керак жойда фойдалансак, биринчидан, иш унади, иш сифати яхшиланади, ҳосилга ҳосил қўшилади. Иккинчидан катта харажат қилинмайди.

Яна бир гап. Пахта ва ғалладан ташқари қолган майдонларга нима экишни ўзимиз белгиласак. Бозор муносабатларига ўтдик. Унинг талабларини ҳисобга олиб бозоргир маҳсулотлар етиштирамиз. Келадиган даромадимиз қанча ошса, ўзимизга ҳам, давлатимизга ҳам шунча яхшику!

Шу тумандаги «Гулистон» ҳам санацияга тушган хўжаликлардан. У дастлаб боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган эди. Негадир хўжаликда мева ва узумчилик ривож топмади. Аксинча, боғ ва токзорлар майдони йилдан йил камайиб кетди. Ҳозирги кунда мавжуд 176 гектар боғнинг маълум қисмидаги дарахтлар қуриган ёки мевадан қолган. Шу сабабли хўжалик қарзи йилдан йил кўпайиб, қайтариш муддати узайтирилгани 19 миллион сўмга етди.

Бунга асосий сабаб ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, ҳосилдорликнинг йилдан йил пасайиши эди. Масалан, 1997 йили ҳар гектар пахта майдонидан атиги 6 центнердан ҳосил олинди. Ғаллачиликдаги кўрсаткичлар ҳам жуда паст бўлди. Боғданку терилган ҳосил, кўрилган даромад қанча бўлганини ҳеч ким аниқ билмайди.

Ташқи бошқарувчиликка саксонинчи йиллар охирида шу ерда раҳбар бўлиб ишлаган Адҳам Тожиқулов қўйилди. Ҳар ҳолда у шароитни яхши билади, жамоа аъзоларига таниш, қишлоқ хўжалигида кўп йиллик тажрибага эга.

Хўш, санацияга тушган мазкур хўжаликда 1998 йил қандай якунланди? Очиғи, кўзланган мақсадлардан фақат биттасига қисман эришилганини айтмаганда, бошқа кўрсаткичлар ҳеч кимни қувонтирмади. 358 гектар жойдаги пахтадан бор-йўғи 12,4 центнердан ҳосил йиғиштирилди. Бизнес-режада белгиланган 480 тонна ўрнига 434 тонна ғалла олинди.

Хўш, нега шундай бўлди? Масалага бир томонлама ёндошиб дарҳол раҳбарни танқид қилишга шошилмайлик. Холисона мулоҳаза юритайлик. Тўғри, А.Тожиқулов йўл қўйган хато ва камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди. Шу билан бирга «Гулистон»даги аҳволни бир йилдаёқ ўнглаш ниҳоятда мушкул эканини таъкидлаш жоиз.

Жамоа ҳудудида 30 километр ички ариқлар, 36 километр ички зовурлар бор. Уни тозалаш харажатлари хўжалик зиммасида. Ўтган йили шуларни тартибга келтириш учун 1 миллион 200 минг сарфланди. Бу йил яна тозалаш керак. Маблағнинг катта қисми шунга кетиб қоляпти.

Иккинчидан, 150 гектар дала илгари насос ёрдамида суғорилар эди. Эндиликда бу ерлар суғориладиган майдон ҳисобланади. Аслида эса у дўнг, қирли жойда жойлашган, сув чиқмайди. Бунинг устига олтмиш фоиз ер шўрланган. Йил сайин экинга яроқсиз ҳолга келаётган майдон ҳажми кенгайяпти. Ушбу муаммо устида ҳам жиддий ўйлаш керак. Йил якунига кўра кутилаётган соф фойда 426 минг сўмни ташкил этаяпти. Унинг 154 минг сўми пахтадан. Бунга хом ашёни юқори навларга сотиш ҳисобига эришилди. Даромад янада катта бўлиши мумкин эди. Бироқ ер ости сизот сувлари яқин бўлгани туфайли дефолияция ғўзага яхши таъсир этмади. Бу теримда ўз таъсирини кўрсатди. Устига устак, айни қўл терими пайтида раҳбарда ташкилотчилик, ғайрат-шижоат етишмади.

- Пахтани суғурта қилишга 1,5 миллион сўм ўтказган эдик,-дейди ташқи бошқарувчи, - шу пулни олсак ёнилғи, бошқа зарур нарсалар олишга ишлатардик. Ортганига ғаллани ҳам суғурта қиламиз. Ҳадемай кўклам фасли бошланади. Унгача ҳали яна кўп ишни бажариб улгуришимиз даркор. Бари маблағ билан битадиган иш. Бизнес-режага мувофиқ бу йил 200 гектарда ғалла, 350 гектарда пахта, 50 гектарда шоли, 50 гектарда масхар, 10 гектарда картошка, 10 гектарда полиз, 10 гектарда сабзавот, 50 гектарда макка дони, қолган ерда озуқбоп экинлар етиштириш режалаштирилган. Камчилигимиз бўлса жуда кўп.

Ҳа, қарс икки қўлдан, деган гап бор. Мутасадди ташкилотлар қўллаб-қувватлаб туришса, ушбу хўжаликда ҳам ишлар юришиб кетади, молиявий аҳволи яхшиланади. Бу ерда яшовчи аҳолининг тирикчилиги деҳқончилик билан ўтади. Чунки туман марказидан қарийб қирқ километр узоқда яшашади. Санациянинг бош вазифаси хўжаликлар иқтисодини кўтариб, соҳани сердаромад тармоққа айлантириб қишлоқда турмуш фаровонлигини оширишдир. «Гулистон»да эса ортиқча ишчи кучи йўқ ҳисоби.

Яна бир масала хусусида тўхталиб ўтиш лозим. Фикримизча, сақлаб қолиш мумкин бўлган боғ ва токзорларни ижарачиларга узоқ муддатга бериш зарур. Қолган ерда деҳқончиликни йўлга қўйган маъқул. Чунки у ерлик аҳолининг ризқи, насибаси, ижтимоий ҳимояси шу заминдан келадиган даромадга боғлиқ.

Санациянинг биринчи йили ўтди. Дастлабки ҳисоб-китоблар қилинди. Кўриндики, мақтовга арзигулик ишлар қилинмаган. Энди ўтган йили йўл қўйилган хато ва камчиликлардан хулоса чиқариб, санация моҳиятини чуқур англаб ҳаракат қилинмас экан, хўжалик ҳали бери ўзини ўнглаб ололмайди.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ

Олдимизга қўйган вазифалардан бири, Сиз азиз муштарийларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш орқали муаммоларингизни ечишда асқотадиган тўғри йўл-йўриқ кўрсатишдан иборатдир. «Ишонч қабулхонаси» рукни ташкил қилиниши муносабати билан таҳририятимизга келаётган хатлар сони янада кўпайди. Шу боис ҳам, хатларнинг мазмун-моҳиятига қараб, уларга тўлақонли жавоб бериш мақсадида меҳнат таътили тўғрисидаги масалани кенгроқ ёритиб беришни лозим топиб, ушбу масалада Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Бош ҳуқуқий нозири Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВга мурожаат қилдик.

— Меҳнат таътили деганда ходимга иш ўрни ва иш ҳақи сақланган ҳолда бериладиган таътил даври тушунилади. Меҳнат таътилини турига қараб асосан учта қисмга бўлиш мумкин. Яъни асосий таътил, узайтирилган йиллик таътил ва йиллик қўшимча таътил.

Асосий таътил Меҳнат кодексининг 134-моддасига биноан 15 иш кунидан кам бўлиши мумкин эмас.

Узайтирилган йиллик таътил ходимларни ёши, соғлиғи ва меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари, хусусиятларини ҳамда бошқа ҳолатларини эътиборга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланади. Меҳнат Кодексининг 135-моддасида 18 ёшга тўлмаган шахсларга ва ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига 30 календар кунида узайтирилган меҳнат таътили белгиланган бўлса, бошқа қонун ҳужжатларида, жумладан, халқ ноиблари учун 36 кун, ўқитувчилар учун эса 48 кундан иборат меҳнат таътили белгиланган ва ҳоказолар.

Йиллик қўшимча таътил эса меҳнат шароити ноқулай ва алоҳида жиҳатга эга бўлган, оғир ва ноқулай иқлим шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ёки бевосита меҳнат шартномасида кўрсатилган ҳолларда берилади. Жумладан: Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддатини ва улар учун қўшимча меҳнат таътилининг энг камини 12 иш кунидан иборат қилиб белгилаб берган. Булар жумласига рангли ва ноёб металлар рудасини, шунингдек, олмос хом ашёсини ва плавик сифатини бойитиш, необит (локарит) рудасидан ташқари ишларида банд бўлган рентген аппаратига хизмат кўрсатувчи лаборант-рентген тузувчи ва ҳоказолар киради.

Шунингдек, бундай қўшимча таътил корхоналарда иш жойларини шаҳодатлаш йўли билан ёки меҳнат шартномасининг, яъни иш берувчи билан ходимнинг келишувига биноан белгиланиши ҳам мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, асосий йиллик таътил билан қўшимча таътилни жамлаганда унинг умумий давомийлиги 48 иш кунидан ошиб кетмаслиги керак. Бундан ташқари, қўшимча таътил нафақат юқорида айтиб ўтилган асослар учун, балки бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг локал ҳужжатларида ёки иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга биноан ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, шу корхонада (шу тизимда) узлуксиз меҳнат стажига эга бўлганлар учун қўшимча таътил қўшиб беришни шулар жумласига киритса бўлади.

Энди таътил муддатлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, ходим беш ёки олти кунлик иш ҳафтасида ишлашидан қатъий назар, таътилнинг муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календар бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Таътил даврига тўғри келиб қолган якшанба ҳамда иш кунига кирмайдиган байрам кунлари ҳисобга киритилмайди. Масалан дейлик, таътил 1997 йил 31 декабрдан берилди. Бунда 1998 йилнинг 1 январи (чунки бу байрам куни) 3—10—17 ва 24 январ кунлари таътил муддатига қўшилмайди. Чунки булар умумий дам олиш кунларидир. Бу мисолимизда биз 24 иш кунидан иборат бўлган меҳнат таътилини кўриб чиқдик.

Меҳнат Кодексининг 142-моддасига биноан йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қуйидагилар киради: иш йил давомида ҳақиқатда ишланган вақт; ходим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи (лавозими) сақланган вақт, масалан судларда халқ маслаҳатчиси бўлиб ўтказган ёки малакасини ошириш учун ўқишда ўтказган даврлар. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, болани парваришлаш учун қисман ҳақ тўланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътиллар бундан мустасно;

меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги натижасида қилинган ҳақ тўланадиган мажбурий прогул вақти, башарти ходим кейинчалик аввалги ишига тикланган бўлса ёки худди шундай вазиятда ўзининг розилиги билан шу корхонада бошқа ишга қўйилган бўлса ҳам;

— тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари ва корхонанинг ўзга локал ҳужжатлари, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа даврлар;

— жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида, меҳнат шартномасида хусусан иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш назарда тутилиши мумкин.

Агар эътибор берган бўлсангиз Меҳнат кодексининг 143-моддасига биноан йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлагандан кейин берилади. Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: Амалиётда кўпинча олти ой ишлагандан кейин таътил берилаётганда унинг давомийлиги, яъни кунлари олти ойга мутаносиб равишда берилар экан. Бу усул нотўғри. Чунки меҳнат қонунчилигида меҳнат таътилини иш стажига мутаносиб ҳисоблаб бериш мумкинлиги фақат айрим ҳолатлардагина қуйидагича белгиланган. Яъни, агар ходим меҳнат таътилидан фойдаланмаган бўлса ва меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса (меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосларидан қатъи назар) бу ҳолатда таътил пулини ҳисоблаб чиқиш учун керак бўлган давр иш стажига мутаносиб равишда олинади. Дейлик, 1- иш йилида 5 ой ёки 14 ой (меҳнат таътилидан фойдаланмасдан ишлаган бўлса) ва меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса энди унга таътил даври ишлаган ойларига мутаносиб ҳисоблаб чиқилади. Аниқроғи, белгиланган таътил даври 24 иш кунидан иборат бўлса, биз юқорида келтирган ишланган ойлар учун тегишинча 18, 28 кун таътил белгиланади. Хўш, нега энди 18 кун дерсиз? Чунки биз юқорида умумий таътилни 24 иш кунидан иборат деб олдик. Бу эса, ҳар бир иш ойи учун икки иш кунидан иборат (24:12=2) меҳнат таътили деган гап (12 рақами бу йилнинг календар ойлари).

Агар меҳнат таътили 24 кун эмас, 18 кундан иборат бўлса, бу ҳолда ҳар бир ишлаган ой учун энди икки кун эмас, балки 1,5 иш кунидан иборат таътил белгиланади. (18:12=1,5). Демак, 5 ой ишлаганда 5х1,5=8 кун, 14 ой ишлаган бўлса 14х1,5=21 кун таътил берилади. Меҳнат таътилини ўриндошлик асосида ишлаётганларга асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаб, таътил берилади.

Юқорида биз меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлганлиги учун унга фақат ҳақ тўлаш ҳақида сўз юритдик. Қуйидаги мисолимизда ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб ҳақ тўлаш борасида сўз юритаяпмиз. Бу эса ўз ўрнида ўриндошлик асосида ишлаётганларга уларнинг асосий иш жойларидаги таътилининг давомийлиги ходимнинг ўриндошлик асосида ишлаётган иш жойидан оладиган таътилларининг давомийлигидан кўп бўлса, уларга ўриндошлик асосида ишлаётган жойида ҳам ана шунча давомийликда (бу ходимнинг шу корхонада қанча ишлаган бўлишидан қатъи назар — бир ойми, ўн ойми ва ҳоказо) меҳнат таътили берилади.

Келинг, яхшиси буни мисоллар орқали кўриб чиқайлик. Масалан, дейлик, асосий иш жойидаги меҳнат таътилининг давомийлиги 24 кун. Ўриндошлик корхонасида у бажараётган иш ёки лавозим учун 15 кун белгиланган ва ходим ўриндошлик корхонасида бор-йўғи 4 ой ишлаганидан сўнг асосий иш жойидан меҳнат таътилига чиқаяпти. Унга ўриндошлик асосида ишлаётган жойидан ҳам 24 иш кунидан иборат таътил берилади, лекин 24 иш кунидан 6 иш кунига ҳақ тўланади. Чунки ходим ўриндошлик корхонасида бир иш йили ишлаганда эди 15 кундан иборат таътил олиш ҳуқуқига эга бўларди. Яъни ходим бир иш йили эмас, балки 4 ой ишлаганлиги учун 1,5 кундан жами 6 иш кунига ҳақ олиш ҳуқуқига эгадир.

Яна бир нарса, айрим тоифадаги ходимларга уларнинг илтимосига биноан биринчи иш йилида ишлаганлигига 6 ой тўлмасдан ҳам меҳнат таътили берилиши мумкин. Уларнинг тоифаси эса Меҳнат кодексининг 143-моддасида аниқ санаб ўтилган бўлиб улар қуйидагилардир:

— аёлларга — ҳомиладорлик ёки туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин;

— I ва II гуруҳ ногиронларига;

— ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

— муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;

— ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, ҳунар техника билим юртларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътилларини имтихонлар, синовлар топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;

— технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёҳуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга;

— мактаблар, ҳунар техника билим юртлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибига биринчи иш йилида уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади.

Суҳбатдош:
Дилором АЛЛАҚУЛОВА.

Во, ажаб!

ШУНДАЙ ФАРМОЙИШ БЎЛГАН ЭМИШ

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганида кўпчилик қатори Қумқўрғон тумани марказида жойлашган «Сурхон» пармалаш ҳиссадорлик жамиятининг ишчи ва хизматчиларининг ҳам бошлари осмонга етганди. Дарҳол Давлат тилига ўтиш ҳақида лойиҳалар ишлаб чиқилди. Лекин амалий иш сустлигича қолаверди.

Ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг 90 фоизи маҳаллий фуқаролар бўлишига қарамай, айни шу кунларда ҳам ҳамма ҳужжат ишлари рус тилида олиб борилмоқда.

Жамият маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси тўлиқ рус тилида ёзилган. Ачинарли томони шундаки, корхонадагилар рус тилида ҳам керакли даражадаги саводхонликка эга эмасликлари сезилиб қолмоқда. Чунончи, тайёрланган жамоа шартномалари анчайин пала-партиш, баъзи бандлар эса тушириб қолдирилган. Барча ишлар нега ҳамон бошқа тилда олиб борилаётганлигининг сабабини жамият раиси Валид Ибрагимовдан сўраган эдик, «Так командует наше руководство» деб туриб олди. Ана холос!

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ишонч»нинг махсус мухбири.

Экскаваторчи Икромжон Шодмонов меҳнат улуғлаган фидойи инсонлардан бири. У хизмат бурчига ҳамиша сидқидил муносабатда бўлади. Кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида лаёқатли шогирдлар тайёрлади. Мураббий улар билан фахрланади.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Соф фойда кўпайди

Қизилтепа туманидаги «Қизилтепа» парранда ҳиссадорлик жамияти ўтган йилни муваффақиятли якунлади. Паррандалар сони икки баравар кўпайиб, 120 мингтага етди. Беш миллион дона тухум олинди. Парҳез гўшт ва тухум етиштиришдан 4 миллион сўм фойда кўрилди. Бу йил паррандабоқарлар товуқлар сонини 180 мингтага етказиб, камида 10 миллион дона тухум етиштиришга аҳд қилдилар.

Иккиламчи хомашёга эътибор

Навоийдаги иккиламчи рангли металл корхонасида хомашё жамғариш ва буюртмачиларга жўнатиш ишларига жиддий эътибор берилмоқда. Ўтган йили режадагидан анча кўп — 400 тоннага яқин саноатбоп рангли металл етказиб берилди. Бу муваффақиятга «Қизилқумноёбметаллолтин» концерни, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналар муносиб ҳисса қўшди. Бу йил қарийб беш юз тонна иккиламчи хомашё жамғариш мўлжалланмоқда.

(ЎзА).

ҚАБОҲАТ

Қўни-қўшнилар ярим тундаги аччиқ аламли фарёддан чўчиб уйғонишди. Кимдир дераза, кимдир эшик оша кўчага мўралади. Олов комида қолган бир кимса ўзини ҳар ён ташлаб мадад сўраб югурарди. Биров сув тўла пақирни, яна бириси шолчани олиб ёрдамга отилди. Тилсиз ёв чекинганида анча кеч бўлганди...

Гулистон шаҳрида 1998 йилнинг 17 сентябр тунида ана шундай қотиллик юз берди. Инсонийлик қиёфасини йўқотган, молдунёга ҳирс қўйган манқуртлар арзимаган муаммонинг ечимини ана шу тарзда ҳал этишга жазм этдилар. Афсуски, кеча бир дастурхон атрофида ўтирган, оғиз-бурун ўпишган одамга ўз ҳамкори тақдири бир ўйин бўлди. Бу бир эрмак эмас, ваҳшийлик, инсон қалбининг юз тубан кетиши. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган Алижон Мўйдинов ва Аҳрор Камоловлар ана шундай тавқилаънат ишга қўл уриб, қотиллик тамғасини ўз бўйниларига илдилар. Бу разолатнинг асл сабаби нимада, марҳум Шавкат Қурбонов қайси гуноҳлари учун аянчли қисматга дучор этилди?

Мудҳиш воқеа тафсилоти бундай. Марҳум Шавкат Қурбонов Москвага қатновчи поездда кузатувчи ёрдамчиси бўлиб ишлаб, олди-сотди билан ҳам шуғулланиб юрарди. Иш ўрни қисқартирилганлиги туфайли у бекор қолиб тижорат ишларини йўлга қўйди. «Йўл юрган дарё» деганларидек, кўплаб танишлар орттирди. Мўйдинов ва Камолов ҳам кейинчалик орттирган дўстларидан эди. Ўтган йилнинг 30 август куни Шавкат Қурбонов Тошкент шаҳрининг Шимолий вокзалида Алижон Мўйдиновни учратиб қолади ва ундан қарзга пул сўрайди. А.Мўйдинов эса пули борлигини, аммо беролмаслигини айтиб, узр сўраган бўлади. У Москвадан биллур идишлар келтириб Тошкентда сотиш ниятини ҳам яширмайди.

- Шу пулингга биллур идиш эмас, МТЗ-80 тракторлари эҳтиёт қисмларини олиб келиб сотсак, фойдага ботардик,- дейди Шавкат Қурбонов.

Бу таклиф Мўйдиновга ҳам мойдек ёқади. Улар Москвадан эҳтиёт қисмлар келтиришади. Бироқ Тошкентда ҳам, Гулистонда ҳам келтирган темирлари тезда сотилмайди. Устига-устак эҳтиёт қисм мижозлари ҳам кам экан. Хуллас, Мўйдинов тортган сарф-харажатидан зарар кўради. Тирикчиликни тирриқчиликка айлантириб олган йигитга бу ҳол сира ёқмайди. У шериги ёқасидан олиб «сен туфайли 140 минг сўм зарар кўрдим, уни қоплайсан» дея оёқ тирайди. Унинг дағдағаларидан чўчиган Шавкат Қурбонов пул излаб Гулистонга келади. Аммо тополмайди. Орадан икки-уч кун ўтгач, Мўйдинов келиб пул йўқлигини билгач, Шавкатдан пул ўрнига отасига тегишли «Москвич» автомашинасини беришни талаб қилади. Лекин унинг бу талаби ҳам бажарилмайди. Шундан кейин Алижон Мўйдинов Тошкентга қайтади. 17 сентябр тунги соат бир яримда Мўйдинов шериги Аҳрор Камолов билан

МУҚАДДАС ЮРТ, ИСТИҚЛОЛ ПОСБОНИ:

14-январ — Ватан ҳимоячилари куни

ТАБАРРУК ЗАМИН

Ватан олдидаги йигитлик бурчимни бажаришга отланган куним уйимизга барча қадрдонлар йиғилишди. Айниқса тоғам — машҳур учувчи С.Шариповнинг қувончи чексиз эди. Чунки, зиммамга қанчалик шарафли вазифа юкланаётганлигини у бошқалардан кўра кўпроқ ҳис қиларди.

Тез орада аскарлар билан қадрдонлашиб кетдик. Дўстларим билимли, Ватан ишқи қалбида жўш урган, мақсад сари дадил интиладиган ёшлар эди. Ўзимча фикр қиламан, истиқлол мафкураси биз — ёшлар қалбида муқаддас туйғулар уйғотди. Ҳар биримиз Қуролли Кучларимиз сафига қўшилганимиздан фахрланардик.

Вақт ўтиши билан чиниқдим, ўзига хос мактабни ўтадим. Ҳарбий хизматга бўлган иштиёқим ошди. Хизмат бурчимни ўтаб қайтганимдан сўнг, кўп ўтмай тоғ-ўқчилар қисмида муддатдан ташқари хизматни бошладим. Бу жондан азиз Ватанимга бўлган меҳр-муҳаббатимнинг бир ифодаси эди. Интилганга толе ёр, деганларидек, жанговар хизматдаги ютуқларим учун прапоршчик унвонига сазовор бўлдим. Ҳаётда ўзимни энг бахтли инсонлардан бири деб биламан. Сабаби, Ватаним, халқим тинчлиги, осойишталиги, истиқлолимиз учун хизмат қилаяпман.

И.ХУДОЙНАЗАРОВ,
прапоршчик.

Миллий гвардиянинг фахрий қоровули аскарлари.

ЛЕЙТЕНАНТ НАРЗУЛЛАЕВ МАКТАБИ

Ҳарбий машқларда ўзни кўрсатиш, нишонни аниқ мўлжалга олиш, муайян вақт ичида белгиланган манзилга етиб бориш учун аскар жисмонан бақувват, замонавий техника сирларини пухта эгаллаган бўлиши керак. Бунга эришишда ташаббускор офицер Алишер Нарзуллаев мактаби муҳим рол ўйнамоқда. Унинг ўзини тутиши, билими ва тажрибаси учун аскарлар қаттиқ ҳурмат қилишади. Лейтенант Нарзуллаев жамоада соғлом руҳий-маънавий муҳитни юзага келтиришда ўзига хос мактаб яратган. Ҳар бир машғулот бизда катта қизиқиш уйғотади. Хусусан, роталараро ўтказилган мусобақада Умумҳарбий Низомлар бўйича ўзлаштирган билимларимиз имтиҳон қилинди. Натижасидан барча хурсанд. Ана шундай метин иродали кишилар бизда Ватанни чуқурроқ севиш, унинг озодлиги, юрт фаровонлиги йўлида ўзни аямаслик каби хислатларни камол топтирмоқда.

Ватан ҳимоячилари кунини сабрсизлик билан кутяпмиз. Боиси, унутилмас кун қисмимизда катта тантанага айланади. Унга ота-оналаримиз, уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилганлар. Ҳаммадан ҳам оила аъзоларимиз билан кўришиш алоҳида куч-қувват бағишлайди. Улар олдида юзимиз ёруғ: Она Ватан олдидаги бурчимизни аъло даражада ўтаяпмиз!

У.АТОЕВ, оддий аскар.

МАРДОНА ЮР!

Бир марта туғилар дунёда одам,
Мардлик - бу умрбод мужассам тургай!
Мардларнинг тарихи буюкдир ҳар дам,
Мардгина курашда мардона юргай!

Одамзот тарихин кўргин варақлаб:
Мардлик ўлмагандир йиллар, асрлар.
Мард киши абадий соҳиби шараф,
Номард умри қисқа, мард узоқ яшар!

Озодлик йўлида халқимиз бир тан,
Одил курашларда туғилар мардлик,
Зафар нури билан йўғрилар Ватан,
Аждодлар даҳоси раҳнамо, тур тик!

Машраб ОРТИҚҲЎЖАЕВ.

ЧИНИҚИШ ОНЛАРИ

Ҳозирги кунда қисм ва бўлинмаларда бошланган янги ўқув мавсуми машғулотлари қизғин бормоқда. Утган йилнинг кузида хизматни бошлаган ёш аскарларнинг ҳаяжони чексиз. Улар ҳарбий илмни пухта ўзлаштириш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. «Аъло хизматимиз - Ватан ҳимоячилари кунига!» шиори остида ҳаракат қилиб кўп нарсага эришдик. Ватанга садоқат билан хизмат қилиш катта бахт. Ўқув машғулотларида иродамни ишга солиб, чапдастлик кўрсатиб, офицерлар назарига тушдим. Дастлаб жанговор қуролни қисмларга ажратиш, уни йиғиш малакасини эгаллай олмай анча қийналдим. Шунда рота командирининг ёрдами катта бўлди. Вақт ўтиши билан машқларни ўринлатиб бажарадиган бўлдим. Омадим юришиб, сержантликка лозим кўришди. Шундан сўнг, ёш аскарларга машғулотлар ўта бошладим. Қисмимиздаги тартиб-интизом, аскарлик ҳаётининг масъулиятини йигитлар онгига чуқур сингдиришга интилаяпман.

Бир нарса мени ғоят руҳлантиради: республикамиздаги олий-ҳарбий билим юртларини тамомлаган кўплаб лейтенантлар, Қуролли Кучларимизнинг турли қисм ва бўлинмаларида ўз вазифаларини шараф билан ўташга киришганлар. Оловқалб йигитлардан ҳарбий маҳоратни пухта эгаллаган зобитлар етишиб чиқди. Улар улуғ ниятни дилга жо қилган Ватаннинг содиқ ўғлонларидир.

И.ХАЙДАРОВ,
оддий аскар.

Наманганлик оддий аскар Олимжон Исматов хизмат бурчини аъло даражада ўтамоқда.

Г.ХАРИТОНОВ олган суратлар.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ИЗМИМИЗГА БЎЙСУНДИ

Ёшлигимдан ҳарбий техникага қизиқаман. Авиатехникаларга хизмат кўрсатувчи мутахассислар ҳаёти, фаолияти ҳақида кўп ўқиганман. Келажакда аэродинамика ва вертолётларни бошқариш сирларини пухта эгаллашни ният қилганман. Мақсадга эришиш учун ўзимни кун сайин чиниқтиряпман.

Ватанимизнинг жанубий сарҳадларини зўр ҳушёрлик билан қўриқлаяпмиз. Ҳарбий ҳаёт содда қилиб айтганда, кишини тезда ақлини киритади, муқаддас туйғуларни қалбда жўш урдиради. Биринчи кунданоқ замонавий техника сирларини эгаллашга киришдик. Бироқ, иш осон кечмади. Ҳаётда чиниқиб ўсмаганлигим сезилди. Лекин, икки ой деганда ҳақиқий аскарларга айландик. Бўйимга-бўй, кучимга-куч қўшилди.

Биз хизмат қилаётган қисм ён-атрофи ноёб дов-дарахтлар, шифобахш ўсимликларга сероб. Эрта тонгда уфқни кузатар эканман, қалбимни илиқ ҳислар чулғайди. Бу севимли юртимга садоқат билан хизмат қилаётганлигимнинг нашидаси бўлса неажаб!

О.ҲАМИДОВ,
оддий аскар

Замонавий техникани измига бўйсундирган кичик сержант Аҳмад Аденов жанговар машқларни бажаришда намуна.

Г.ТИТАРЕНКО олган сурат.

OLAMDA NIMA GAP

К И Е В. 1998 йилда Украина ташқи савдо айланмаси 26 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу 1997 йилдагига нисбатан 17 фоиз камдир.

Украина давлат божхона хизмати маълумотларига қараганда, ўтган йили мамлакат экспорти ҳажми 12,14 миллиард долларни ташкил этган, бу 1997 йилдагига нисбатан 13,9 фоиз камдир. Импорт ҳажми эса 13,86 миллиард долларни ташкил этган, у ҳам 1997 йилдагига қараганда 17,3 фоиз кам.

* * *

В А Ш И Н Г Т О Н. АҚШ президенти Билл Клинтон Аргентина раҳбари Карлос Менема билан учрашув ўтказди. Унда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий зона ҳамда Америкада минтақавий эркин иқтисодий зона яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, президентлар жаҳондаги молиявий инқироз, халқаро террорчиликка қарши кураш ва ҳарбий соҳада ҳамкорлик масалалари юзасидан фикрлашди.

* * *

А Ф И Н А. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, 12 январ куни Европанинг Жануби-шарқий давлатлари - Греция, Албания, Болгария, Италия, Македония, Руминия ва Туркиянинг мудофаа вазирлари Болқонда тинчлик ўрнатиш кучлари ташкил этиш тўғрисидаги битимни имзолади. Вазирлар 11 январ куни Греция пойтахтида музокараларни бошлаган эди.

Минтақадаги янги тинчлик ўрнатиш кучларининг бошқаруви дастлабки босқичда Туркия томонига топширилади. Бошқарма штаби эса Болгариянинг Пловдив шаҳрида жойлашади.

* * *

М О С К В А. Бу ерга ташриф буюрган Франция ташқи ишлар вазири Юбер Ведрин Россия Федерацияси ҳукумати раиси Евгений Примаков, раис ўринбосари Юрий Маслюков, парламент раиси Геннадий Селезнёв ва ташқи ишлар вазири Игор Иванов билан учрашди. Музокаралар чоғида ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, жорий йилнинг январ ойи охирларида Россия президенти Борис Елциннинг Францияга бўлажак давлат ташрифига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.

* * *

Н Ь Ю - Й О Р К. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан Хавфсизлик Кенгашига Сьерра-Леонедаги кузатувчилар мандатини яна икки ойга узайтиришни маслаҳат берди.

Хавфсизлик Кенгашига тақдим этилган махсус маърузада таъкидланадики, Сьерра-Леонеда вазият кескинлашиб бораверар экан, БМТнинг бу мамлакатдаги тинчлик ўрнатувчи кучлари ҳеч қаерга чиқмайди.

* * *

Х А Р А Р Е. Франциянинг Зимбабведаги дипломатия ваколатхонаси Франция Зимбабвенинг Конго Демократик Республикасига нисбатан ҳарбий ҳаракатларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани ҳақидаги хабарни рад этди.

Франция элчихонаси баёнотига қараганда, Франция Конгодаги можароларга мутлақо жалб қилинмаган ва бирон мамлакатни маблағ билан таъминламаган. Франция Замбия президенти Фредерик Чилубининг Конгодаги можароларни бартараф этиш тадбирини қўллаб-қувватлайди ва Африка катта кўли минтақасида барқарорлик таъминланишини ёқлайди.

* * *

У Л А Н - Б А Т О Р. Монголия президенти Нацигийн Багабанди мамлакат миллий саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Зеро, 1999 йил мамлакатда «Миллий саноатни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас.

Президентнинг ташаббусини амалга ошириш мақсадида мамлакатда давлат банкининг мақсадли кредитларини кўпайтириш ва маҳсулотларни экспорт қилиш учун корхоналарни рағбатлантириш, саноат соҳасини қўллаб-қувватлайдиган жамғарма тузиш, ҳорижий сармояларни янада кўпроқ жалб қилиш, хомашёларни қайта ишлайдиган корхоналар сонини кўпайтириш каби тадбирлар амалга оширилади.

* * *

С Е У Л. 12 январ куни Япониянинг ғарбий қирғоғида Жанубий Кореяга қарашли юк кемаси чўкиб кетди.

Денгиз полицияси ходимларининг маълум қилишича, кеманинг экипаж аъзоларидан 6 киши ҳалок бўлган, қолган етти нафарининг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлинди. Қутқарув ишларида Япониянинг қирғоқ соқчилиги вертолёти иштирок этди.

Маълум бўлишича, Корея Республикасига қарашли кема 7000 тонна қум билан мамлакатнинг Мокпхо бандаргоҳидан Япониянинг Сасэбо бандаргоҳига қараб йўл олган. Фалокат тафсилотлари ўрганилмоқда.

/ЎзА/

OLAMDA NIMA GAP

Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига

Қизиқарли кўргазма

Фарғона Давлат университетида Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳийнинг 190 йиллигига бағишлаб «Ўлмас сўз санъаткори» мавзуида кўргазма ташкил этилди. Унда оташқалб шоир ижодига мансуб турли шеър ва ғазаллар мажмуалари, шеърий тўпламларининг энг сара намуналари билан бирга замондошларимизнинг унинг серқирра фаолиятини ўрганиш борасидаги илмий изланишлари, матбуот нашрлари, газета ва журналларда эълон қилинган мақолаларга кенг ўрин берилган.

Болалар учун либос

Қарши шаҳридаги «Санам» тикувчилик фабрикасида ишлаб чиқарилган болалар курткалари Тошкентда бўлиб ўтган кўргазмада яхши баҳо олди. Енги ва ёқасига мўйна қўйиб тикилган бу бежирим либослар кўпчиликка манзур бўлди. Унинг нархи ҳам нисбатан унча қиммат эмас. Фабрика вакиллари турли савдо ташкилотлари билан 20 мингта шундай маҳсулот тайёрлаб бериш юзасидан шартнома имзоладилар.

(ЎзА).

яна Гулистонда пайдо бўлади. Бу сафар дилида қабиҳ ният яширин эди. Мабодо пул унмаса, уни ўлдириб кетиш режасини тузиб қўйишганди. Чақирилмаган меҳмонлар Шавкатдан «Пулни топдингми?» деб сўрашганида, у «йўқ» дея жавоб беради. Ана шу бир оғиз гап Камолов ва Мўйдинов ғазабини жунбушга келтиради. Кутуриб кўзи қонга тўлган Камолов ўзлари миниб келган «Жигули» автомашинасидан аввалдан тайёрлаб қўйилган бир ярим литрли бензин идишни олиб Ш.Қурбонов устига қуяди. Мўйдинов эса зажигалкасини ёқади. Нима бўлаётганини англаб улгурмаган Шавкат Қурбонов бир зумда аланга ичида қолади. Жон талвасасида фарёд чекиб югуради. Қотиллар эса секин жуфтакни ростлашади...

Уни вилоят шифохонасига олиб боришади. Юз фоиз куйган бўлишига қарамасдан юраги бақувват экан. Етти кеча — кундуз ажал билан олишади. Шифокорлар уринишлари ҳам иш бермади. 24 сентябрь куни у ҳаётдан кўз юмади. Қотиллар бу пайт қўлга олинганди. Улар ҳали анча ёш — Алижон Мўйдинов 23, Аҳрор Камолов эса 26 ёшда. Ҳар иккаласи ҳам Андижон вилоятининг Шаҳрихон шаҳридаги Бобур кўчасида туғилган. Ҳар иккиси ҳам тижорат ишлари билан шуғулланишиб вақтинчалик Тошкентда яшаб келган.

Биз қотилларни кўрганмиз, суд қилинаётганда уларни кузатганмиз. Ҳар қандай газанда қотил ҳам марҳумнинг онаси йиғлаганда бефарқ қололмайди. Улар ҳам ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб эзиладилар. Ҳатто кўз ёш тўкадилар. Ахир уларни ҳам она туққан. Аммо булар... Суриштирув жараёнида қотиллар қилмишидан афсус чекиш ўрнига ўзларини беайб кўрсатишга уринишиб, безрайишиб туриб олдилар. Гўёки Шавкат Қурбонов пулни тўламаслик мақсадида уйига кириб устига бензин қуйиб чиққан ва ўзига-ўзи ўт қўйиб юборганмиш.

Фараз қилайлик, шундай ҳам бўлди. Агар Шавкат «ҳозир ўзимга ўт қўяман» деганида нега бу икки нусха уни бу йўлдан тўхтатиб қололмади? Нега улар ёнаётган одамга ёрдам кўрсатиш ўрнига машинага миниб қочиб қолишди? Буни деразадан бир неча одам кўрган. Қолаверса, нега зарарнинг ҳаммасини Ш.Қурбонов қоплаши керак. Ахир мол шерикликка олинган эдику. Қотиллар ўзларини ҳар ён ташламасин далил ва исботлар қаршисида ожиз қолишди. Улар қиёфаси кундек равшанлашди. Пулга ҳирс қўйган бу икки гумроҳ 140 минг сўм учун бир йигит ҳаёт шаъмини сўндирди. Одил суд мудҳиш қотилликка қўл урган бу жиноятчиларнинг бирига 18 йил, иккинчисига эса 16 йил қамоқ жазоси белгилади. Бошингга не бало келса бировданмас ўзингдан кўр, дея шунга айтсалар керак-да.

Саминжон СУЛТОНОВ,
Нурилла ШАМСИЕВ.

Нуроний илҳоми

ҚАДРЛИ БЎЛ

Инсонлар учун ҳар вақт тўғри бўлиш ярашар,
Ҳалол юрганга ҳамма ҳавас билан қарашар.

Қалби покларга бўлмас пушаймонликдан асар,
Шул сабабдан уларнинг севинчи доим тошар.

Эгри, ёлғончиларда ҳурматдан нишона йўқ,
Рост сўзла қадрли бўл бўлсанг ҳамки ўн яшар.

ҲАЁТ

Баъзи пайтда қилинган ҳийла-найранг ва фусун,
Ҳақиқат, адолатдан бўлиб қолади устун.

Ширин таом пиширган олов панада қолиб,
Кўз-кўз қилар ўзини мўридан чиққан тутун.

Биров қилиб меҳнатни, биров олқиш топади,
Ҳаёт ҳам ўтаверар шу тариқа шу йўсин!

Тўра ЖУМАН.



Тошкентдаги «Аленс-Франс» ўқув марказида республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарларидан келган профессор ва ўқитувчилар чет тилини ўрганиш бўйича ўз малакаларини оширдилар. Улар энди хорижга йўл оладилар. Маорифчиларимиз сафар чоғида Франциянинг илғор педагогик тажрибалари ва ўқув жараёнлари билан танишадилар, билим ва тажрибаларини бойитадилар.

Суратда: Сирдарё шаҳридаги 40-ўрта мактаб физика-математика фани ўқитувчиси Алишер Тўхтаев ҳам шундай йўлланма олганлардан бири.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Сўраган эдингиз!

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИДАГИ БАРАКАТЛИ ҚАДР КЕЧАСИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Маълумки, Рамазон — улуғ ойдирки, ҳадиси шарифда айтилишича, жаннат эшиклари очиладиган, дўзах азоб-уқубатлари тўхтайдиган бир ойдир.

Бу муборак ойда кишиларни ҳидоят сари бошловчи Қуръони каримни Аллоҳ таоло нозил қилгандир. Шунинг учун Қуръон нозил бўлган кунларни тоат-ибодатни зиёда қилиш ва рўза тутиш билан нишонлаймиз. Рамазон ойини бутун Ислом олами мусулмонлари бир ажиб руҳ,ўзгача шукуҳ билан кутиб оладилар.

Рамазони шариф тоат-ибодат, қут-барака, бахт-саодат ойидир. Шу билан бирга, иншоаллоҳ, тавба-тазаррулар, чин ихлос ва эътиқод билан қилинган дуолар мустажоб бўладиган қалблар таскин топадиган ой ҳамдир.

Бу борада пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом марҳамат қилган ушбу ҳадиси муборакда шундай дейилади:

«...Парвардигордан гуноҳларингизни кечиришни сўранг, намоз вақтида қўлларингизни кўтариб Аллоҳга илтижо қилинг, зеро бу вақт фазилатли дамдир. Парвардигор бу вақтда ўз бандаларига раҳмат назари билан боқади, унга мурожаат этсалар ва сўрасалар, ато этади, дуо қилсалар, ижобат айлайди».

Ҳар бир рўзадор киши фақатгина очташна қолиши билан Аллоҳ таолога тақво қилган бўлмайди, балки ҳар бир ишда рўзадор ўта ҳушёр, бошқалар билан муомалада мулойимлик, ўз нафсига қул бўлишдан қутулиб, унинг руҳи жасадига ҳоким бўлади. Яна муҳтожларга, етим-есирларга, бева-бечораларга, беморларга ўзининг қалб қўри, меҳр тафти билан қараши даркор.

Рўзадорнинг рўзаси мукаммал бўлмоғи учун унинг ёлғон сўзлаши, бировларни иғво ва бўҳтон қилиши, нолойиқ сўзлар билан ўзгалар дилини оғритиши асло мумкин эмас. Бу борада пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом муборак ҳадисларида: «Қайси бир рўзадор одам ёлғон гапириш ва унга амал қилиш каби гуноҳларини тарк этмаса, ундай кишининг фақат ейиш-ичишнигина тарк этиб юришига Аллоҳ муҳтож эмас» — дейилган.

Муборак Рамазон ойида шундай бир улуғ кеча борки, бу Қадр кечаси бўлиб, унинг фазилати минг ойдан яхшироқдир. Ушбу кечада Аллоҳнинг фаришталари Жаброил алайҳиссалом бошчилигида, Раббиларининг рухсати билан, ул Зот тайин этган ишлар учун ер юзига тушадилар.

Қадр кечасида то тонг отгунча, Аллоҳнинг солиҳ бандалари номига раҳматлар ёғилиб туради. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Духон» сурасининг 3-4 оятларида ҳам «Лайлатул қадр» кечасига ишора қилиб, у ҳақда очиқ ойдин баён қилган. Яъни шундай дейди:

«...Албатта, биз уни муборак кечада нозил қилдик. Албатта, биз огоҳлантирувчи бўлдик». Ушбу оятда зикр этилаётган, Қуръони карим нозил қилинган кеча муборак Рамазон шарифнинг кечаларидан бири бўлмиш «Лайлатул қадр»дир. У дунё тарихидаги энг улуғ ва муборак кеча ҳисобланади. Чунки бу кечада Парвардигорнинг охирги, баркамол ва бутун дунёдаги кишиларга то қиёмат кунигача саодат йўлини кўрсатиб берувчи Ҳақ китоби туша бошлагандир. Ушбу улуғ кечада Қуръони каримни нозил қилиш билан Аллоҳ таоло ўз бандаларини куфр, исён ва туғёнга кетишнинг оқибати ёмонлик билан тугашидан огоҳлантирмоқчи эканлигини баён қилган. Яратган айтадики:

«...Уша (кеча)да ҳар бир ҳикматли иш ажралиб, ҳал қилинур», яъни Ибн Аббос (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) айтадиларки: «...Аллоҳ таоло бу кечада то келгуси сананинг шу кечасигача бўладиган, бандаларга тааллуқли барча ишлар ҳақида ҳукм қилур».

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Қадр кечасини бедорликда, ибодат билан ўтказар эдилар. Қадр кечаси Рамазон ойининг қайси кунига тўғри келиши хусусида Пайғамбаримиз шундай деганлар: «Қадр кечасини Рамазон ойининг охирги ўн кунлигидан қидиринг». Бу борада Он ҳазрат яна айтганларки: «Кимки Қадр кечасини кутмоқчи бўлса, Рамазон ойи охирги ўн кунлигининг ўттинчисида кутсин!».

Пайғамбаримизнинг ушбу кўрсатмаларига биноан, юзлаб йиллар давомида Қадр кечаси Рамазон ойининг 26-кунидан 27-кунига ўтар кечаси кутиб олинмоқда.

Мустақил мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли мўмин-мусулмонлари бу йилги Қадр кечасини ҳам оилалари даврасида, ҳамжиҳатлик билан Аллоҳга ибодат қилган ҳолда бедор ўтказишларидан умидвормиз.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Рамазон шариф кунларида ўтказилаётган ифторликлар ҳам анча тартибга тушиб қолди. Чунки, ифторлик бир хайр-эҳсондир. Уни исрофгарчиликларга йўл қўймаган ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлур.

Она-Ватанимиз тараққиёти йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган барча меҳнаткашларни Рамазони шариф билан самимий муборакбод этиб, барчаларига Яратгандан фаровон ҳаёт, бахт-саодат, тинчлик-осойишталик тилайман.

Абдурашид қори БАҲРОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.

Эпидемиологлар - саломатлик посбонлигида

Сўнгги вақтларда хориждаги бир қанча оммавий ахборот воситаларида ўлат каби даҳшатли касаллик ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар пайдо бўлди. Январ ойининг ўрталарида Тошкентда бўладиган илмий-амалий конференция ҳам Ўзбекистонда ўлат касаллигининг олдини олишга доир долзарб муаммоларга бағишланади. Унда Марказий Осиё минтақасидаги ўлатга қарши кураш станцияларининг вакиллари иштирок этади. Ўрта асрларда ўн минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган, лекин аллақачонлар йўқ бўлиб кетгандек туюлган бу касалликка жамоатчилик ва мутахассисларнинг қизиқиши ортганини қандай изоҳлаш мумкин? Ҳозир биз бу касалликдан ҳимояланганмизми? Шундай савол билан ЎзА мухбири Ўзбекистон ўлатга қарши кураш станцияси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Аминжон Сабдарович НЕЪМАТОВга мурожаат қилди.

- Дунёдаги кўп қитъаларда - Осиё, Африка, Жанубий ва Шимолий Америкада ўлатнинг фаол табиий ўчоқлари азалдан мавжуд, бу даҳшатли касалликни ёввойи кемирувчи ҳайвонлар тарқатиши ҳам маълум. Бунинг оқибатида ана шундай жойларда ҳар йили одамларнинг ўлат касаллигига чалиниши ҳоллари қайд этилади. Чунончи, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий маълумотларига қараганда, сўнгги уч йилда 768 киши ўлат касалига чалинди. Бу ҳодисалар АҚШ, Перу, ХХР, Мўғилистон, Мадагаскар, Мозамбикда, МДҲ мамлакатларидан эса - Қозоғистонда қайд этилган. Жаҳон тиббиёт фани касалликка чалинган дастлабки кишиларни ва улар билан мулоқотда бўлган шахсларни аниқлаши, уларни муваффақиятли даволай олиши ва бошқа бир қанча самарали тадбирларни амалга ошириши туфайли одамлар орасида ўлат касаллиги тарқалишининг вақтида олдини олишга муваффақ бўлинмоқда. Шунга қарамасдан бу касалликка чалинганлар орасида ўлим деярли 10 фоизни ташкил этади, илгари эса уларнинг кўпчилиги ўлимга маҳкум эди.

Собиқ Совет Иттифоқида ҳам ўлатга қарши кураш муаммоси долзарб масала ҳисобланар эди. XIX асрда Россия империясининг жанубишарқида ва инқилобдан сўнг 20-30-йилларда деярли ҳар йили одамлар орасида ўлат касали тарқалар эди. Ўшанда ихтисослашган ўлатга қарши кураш хизмати ташкил қилинган, унинг вазифаси касаллик тарқалишини тўхтатишгина эмас, шу билан бирга ўлатнинг табиий ўчоқларини пухта ўрганишдан, бу даҳшатли касалликнинг олдини олишнинг самарали чораларини амалга оширишдан иборат эди.

Ўзбекистон ўлат касаллигининг энг фаол табиий ўчоқларидан бирида жойлашган. Бу зона Каспий денгизи соҳилларидан Балхаш кўлигача жуда катта ҳудудни ўз ичига олувчи Ўрта Осиё текислигидан иборат. Жанубий Қозоғистон, Туркманистон, Ўзбекистон шу ўчоқ зонасига киради. Бундан ташқари Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон тоғларида - давлатимизнинг чегаралари рўпарасида ўлатнинг баланд тоғдаги табиий ўчоқлари бор. Шу тариқа республикамиз маъмурий минтақаларининг кўпчилиги текисликдаги ўлат ўчоғи доирасида жойлашган. Бундан ташқари Ўзбекистон ҳар томондан қўшни МДҲ мамлакатларидаги табиий ўлат ўчоғи участкалари билан қуршаб олинган.

Хавфли касаллик йўлидаги ғов

Мана шу ҳудудларнинг ҳаммасида ёввойи кемирувчи ҳайвонлар орасида ўлат касаллиги ҳамиша мавжуд бўлган. Бошқа табиий ҳодисалар каби бу касалликнинг кемирувчи ҳайвонлар орасида тарқалиши маълум даврда кўпаяди ва бу ҳолат кемирувчи ҳайвонларнинг кўпайишига боғлиқ. Уларнинг кўпайиши эса табиий шароитларга, озуқанинг мўллигига ва бошқа бир қанча сабабларга боғлиқ. Шу боис ўлат гоҳ кичик ҳудудларда «милтираб» туради, гоҳ юз минг ва миллион гектар ҳудудга тарқалиб кетади. Ҳайвонларнинг бундай оммавий касалланиши эпизоотия деб юритилади. Ўлат касаллиги бир ҳайвондан иккинчи ҳайвонга бургалар орқали ўтади. Эпизоотияга кемирувчи ҳайвонлардан ташқари, бошқа ёввойи сут эмизувчи ҳайвонлар - қуёнлар, тулкилар, бошқа майда йиртқич ҳайвонлар ҳам қўшилади. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида фақат туя бу касалликка чалинади, уй ҳайвонлари орасида эса ит ва мушуклар касалликка мойил бўлади.

Буларнинг ҳаммаси инсон учун юқумли касаллик манбаи доирасини белгилаб беради. Бунга ёввойи кемирувчи ҳайвонлардан касаллик юқадиган уй сичқонларини ҳам қўшиш керак. Айниқса, касалликни ҳайвонлардан инсонга юқтирадиган бурга мавжуд бўлган хонадонларда сичқонлар жуда хавфли бўлади.

Ўрта Осиё текислиги ўчоғида Қозоғистон, Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудида 1905 йилдан 1997 йилга қадар, тўла бўлмаган маълумотларга қараганда, одамларнинг 1660 та касалланиш ҳоллари рўйхатга олинган, шундан 179 таси Ўзбекистон улушига тўғри келади. Бу маълумотларни кўп одамлар эшитмаган, чунки 1985 йилга қадар СССРда бундай материаллар эълон қилинмас эди. Бироқ масъул шахслар даҳшатли юқумли касаллик аниқланган ҳоллар тўғрисида юқори ташкилотларга дарҳол хабар қилар эдилар.

Ўлатга қарши кураш хизмати соғлиқни сақлаш тизимининг ҳамиша юқори самарали ва ўта тезкор бўлинмаси бўлиб келган. Оғир табиий шароитда, бунинг устига ўлатга қарши кийимларда - бошни рўмол билан ўраб, ҳимоя кўзойнаги тақиб, бош ва юзни тўла ўрайдиган пахта - дока маскада, халат кийиб, резина қўлқоп ва этикда ишлашга тўғри келади. Ўлат эпизоотияларини аниқлаш мақсадида чўл зоналарини текширадиган эпидемиология отрядларининг режали сафарларида одамлар ойлаб аҳоли яшаш жойларидан ўнлаб километр олисда брезент чайлаларда, ертўлаларда ишлайдилар. Шу ернинг ўзида улар кемирувчи ҳайвонларда ўлат касаллиги бактериялари бор-йўқлигини аниқлаш учун лабораторияларни жиҳозлайдилар.

Буларнинг ҳаммаси ўлатга қарши тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, одамлар касалланишининг олдини олиш учун ҳақиқий вазиятни билиш зарурияти билан асосланади. Шундай қилинмаса, вақти-вақти билан бўладиган эпизоотияларда ўлат касаллигига чалиниш ҳеч гап эмас!

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўлатга қарши курашувчи барча ташкилотлар республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳуқуқий тасарруфига ўтди. Соғлиқни сақлаш учун уларнинг аҳамияти муҳимлиги ҳисобга олиниб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида осон бўлмаса ҳам, бу ташкилотларнинг тузилиши ва штатлари сақлаб қолинди.

Давлат дастурига мувофиқ бу йил республикамизда бутун соғлиқни сақлаш тизими ўзгартирилиши лозим. Санитария- эпидемиология хизматига, унинг бир қанча бўлимлари - марказларига Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария- эпидемиология назорати департаменти бошчилик қилади. Ўлатга қарши кураш станциялари ва бўлимларининг мавжуд шаҳобчалари билан биргаликда ўлат касаллигининг олдини олиш маркази бевосита департаментга бўйсунади. Марказнинг вазифалари кенгайтирилади. У ўлат ва вабо касалликларидан ташқари юқумли безгак касаллигининг табиатдаги ўчоқларини назорат қилиб боради.

Ўзбекистон ўлатга қарши кураш станциясида эса жуда хавфли касалликларга қарши турли даволаш воситалари самарадорлигини синашга киришилди. Айни пайтда ҳозирча хориждан сотиб олинаётган ташҳис воситалари ва вакциналарни тайёрлашга киришилди. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда уларни сотиб олишга сарфланаётган валютани анча тежашга имкон беради.

Станциямизда 5 та тиббиёт ва биология фанлари докторлари ва 10 та номзодлар ишламоқда, яна 5 та диссертация ҳимоя қилишга тайёрланмоқда. Барча мутахассислар олий ва биринчи тоифа малакага эгадир. Улар ўта хавфли юқумли касалликларга қарши курашнинг бир қанча янги технологияларини, методик тавсияномаларни яратдилар, улардан ҳозирги пайтда Ўзбекистондан ташқарида ҳам фойдаланилмоқда. Бу соҳадаги ишлар давом эттирилмоқда. Улар республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 1998-2000 йилларда ўлатни олдини олиш режасига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Бироқ ишимизда муаммолар ҳам мавжуд. Энг асосий муаммо - маблағ етишмаслигидир. Бунинг оқибатида олдинги ҳажмдаги ҳудудларни текширишга имконият бўлмаяпти. Бошқа МДҲ республикаларида ишлаб чиқариладиган ва Ўзбекистонда ишлаб чиқариш энди йўлга қўйилаётган махсус бактериологик препаратлар ва вакциналар билан таъминлашда қийинчиликларга дуч келмоқдамиз.

Бошқа мамлакатлардаги, айниқса, Марказий Осиё минтақасидаги касбдошларимиз билан мунтазам алоқа қилиб турамиз. Яқин вақт ичида Тошкентда ўтказиш мўлжалланган ўлатнинг олдини олишга доир долзарб муаммолар бўйича конференция бу алоқаларни янада ривожлантиришга, биргаликда ҳаракат қилиш режаларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бу анжуманда қўшни республикаларнинг мутахассислари ҳам иштирок этади. Чунки мамлакатимиз аҳолисини ўлат каби даҳшатли касалликдан хавфсизлигини фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан таъминлай оламиз.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Хабарларда ҳаёт нафаси

Иқтидорли ёшлар беллашуви

Навоий шаҳридаги Х.Х.Ниёзий номли 12-мактаб-гимназияда мактаб ўқувчиларининг вилоят фан олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларда ўтказилган олимпиадада ғолиб чиққан 687 нафар 9-11-синфларнинг ўқувчилари 18 фан бўйича ўз билимларини намойиш этди. Олимпиада ғолиблари Тошкентда бўлиб ўтадиган синовларга йўлланма олишди.

Йўловчиларга қулайлик

Когон шоҳбекатида йўловчиларга яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда «Комфорт» хонаси очилди. Унда йўловчилар дам олиб кофе ёки чой ичиши, видеофильм томоша қилиши, газета ва журнал ўқиши мумкин. Хона хизматчиси уларнинг буюртмасига биноан исталган вагонга чипта келтириб беради. Бундан ташқари бекатга кеч келиб тушган йўловчига махсус жиҳозланган купе вагон - меҳмонхона таклиф этилади.

Жаҳон чемпионлари

КАПАБЛАНКА

(Давоми. Боши 8 январ сонида)

Навбатдаги муваффақиятлари Капабланка жаҳоннинг энг кучли шахматчиси деган унвонга сазовор эканини тасдиқлади. Унинг камдан-кам ютқизиши (чунончи, 1914 йилдан 1927 йилгача Капабланка 5 мартагина мағлуб бўлган) бир ҳодисадек баҳоланган эди.

Капабланкани шахмат машинасига қиёс қилишар, унинг номи ёнига «буюк», «енгилмас» каби тантанавор сўзларни қўшиб қўйишар эди. Шундай бўлгач, ўзининг бенуқсон эканлигига ишонмай бўлармиди!

Ана энди иккинчи давр - «тинчланиш даври» бошланди. Капабланка энди мураккаб курашга интилмай қўяди. Унга кўпроқ оддий, кучни сафарбар этишни талаб этмайдиган техникавий позициялар ёқади: энг муҳими хиёлгина устунликка эришса бас, уни ғалабагача олиб бориш қўлидан келади. Кўпинча шундай бўларди ҳам. Бироқ ҳаддан зиёд ўзига ишониш, фавқулоддалик ва иззат-икром шароитларида бўлиш натижаларда акс этмай қолмади. У 1924 йили Нью-Йоркда атиги иккинчи, 1925 йили Москвада учинчи совринни олди.

Аммо Капабланка ҳар қалай Капабланкалигича қолади. 1927 йили у Ласкердан бошқа шахмат тахтига талабгорларнинг барчаси қатнашган Нью-Йоркдаги матч-турнирида ажойиб ғалаба қозонади. Тез орада у билан матч ўйнайдиган иккинчи совриндор - Алёхин 3,5 очко ортда қолди! Талантли рус шахматчисидан чўчишга асослар бормидийкин?...

Бироқ 1927 йилнинг охирларида Буэнос-Айресда ўтказилган Капабланка билан Алёхин ўртасидаги матч жаҳон чемпионининг қаттиқ қаршилигига қарамай Алёхиннинг ғалабаси билан якунланди: + 6-3=25.

Капабланка жаҳон экс-чемпиони бўла туриб бир қанча турнирларда муваффақиятли ўйнади. Унинг партиялари ҳамон режаларнинг соддалигию равшанлиги билан ажралиб турар, техникаси эса аввалгидек завқ-шавқ уйғотар, лекин унинг спорт натижалари эндиликда бир текисда бўлмай қолган эди. Будапештдаги (1928-29), Барселонадаги (1929), Гастингсдаги (1929-30), Москвадаги (1936), Ноттиничемдаги (1936) ғалабалар билан бирга нисбатан муваффақиятсизликлар ҳам бўлиб турди: Гастингс (1934-35) ва Москвада (1935) тўртинчи ўринни Земмеринг - Бафида (1937) 3-4 ўринларни, АВРО-турнирда (1938) еттинчи ўринни олди.

Капабланка турнир ва матчларда ўйнаган 583 партиядан 302 тасини ютди, 246 тасини дуранг қилди ва атиги 35 тасини ютқизди. Мана яна битта ҳақида М.Ботвинник мана бундай деб ёзган эди: Капабланка вариантларнинг ҳисоби билан позициявий нозиклик, сипоҳларнинг узвий биргаликда ҳаракатини уйғунлаштиришга эришарди. Унинг партияларида алоҳида юришларнинг йўқлиги диққатни жалб этарди. Нафис ўйин планлари билан чиройли курбонлар ёрдамидаги комбинациялару аниқ манёврларнинг чатишиб кетиши унинг ўйинларига хос эди. Худди гениал пианиночиникидек, клавишларга ўриладиган ҳар бир бармоқ зарбидан чиқувчи алоҳида товушлар эшитилмай, бал-





ки овозли картина яратилади...

Худди шунинг учун ҳам Капабланканинг ўйинлари қайтариб бўлмайдиган бадиий таъсир кучига эгадир. Унинг ижодида соддаликка интилиш ғояси ҳукм сурар ва бу соддаликда чинакам маънодорликнинг бетакрор гўзаллиги мужассамлашган эди. Сохта, юзаки дабдабалар унинг шахмат дидига буткул ёт эди.

Капабланка эндшпилларнинг энг буюк устаси эди...»

Қуйида у ҳақда биз ҳикоя қиладиган учрашувни айниқса Маршалл кутган эди. Америкалик чемпионнинг Капабланкада ўчи бор эди. 1909 йили у кубалик йигитга ютқизганди. Капабланка билан бўлган кейинги учрашувларда ҳам бахт қуши унга камдан-кам қўнди. Мана аламни олиш учун янги имконият туғилди. Бу учрашувга атаб Маршалл махсус назарий янгилик асраб юрди. У қулай фурсат келишини пойлаб бу янгиликни кўп йил пинҳон тутди. Бу кашфиёт биринчи синовдаёқ унинг муаллифига зафар келтирмаган бўлса-да, шунга қарамай у «Маршалл атакаси» номи билан шахмат назарияси олтин фондига кирди. (1. e4 e5 2. Kf3 Kc6. 3. Cb5a6 4. Ca4 Kf6 5. O-O Ce7 6. Lel b5. 7. Cb3 O-O 8. c3 d5!)

Хўш Капабланка-чи? Қўққисдан юзага келган қийинчиликлардан у қандай қилиб қутулди? Тахта узра қийин вазифани ҳал қилган кубалик шахматчининг гениал интуициясига, ўзини улуғвор тутабилишлигига ҳайратланмай илож йўқ.

МАРОҚЛИ МАШҚЛАР

Бу этюдларда оқлар бошлаб дурангга эришадиган йўлни топинг.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ИШОНЧ газетаси

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79.
Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85--66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Пашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 23.00

Буюртма Г— 027. Нусхаси — 16.608.